Tadqiqot uz

# ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

2020

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

№21
31 октябрь

conferences.uz

# "ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР" МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 21-КЎП ТАРМОҚЛИ ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ
# 3-ҚИСМ

---

# МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ 21-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
# ЧАСТЬ-3

---

# MATERIALS OF THE REPUBLICAN 21-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL RESEARCH IN UZBEKISTAN"
# PART-3

**ТОШКЕНТ-2020**

**УУК 001 (062)**
**КБК 72я43**

**"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2020]**

**"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар"** мавзусидаги республика 21-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 октябрь 2020 йил. - Тошкент: Tadqiqot, 2020. - 14 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

**1.Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши**

Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

**2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар**

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фарғона давлат университети)

**3.Тарих саҳифаларидаги изланишлар**

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

**4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни**

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

**5.Давлат бошқаруви**

PhD Шакирова Шохида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази)

**6.Журналистика**

Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

**7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар**

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**8.Адабиёт**
PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

**9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни**
Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

**10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар**
Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**11.Жисмоний тарбия ва спорт**
Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

**12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш**
Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

**13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**
Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

**14.Тасвирий санъат ва дизайн**
Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**15.Мусиқа ва ҳаёт**
Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**
Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

**17.Физика-математика фанлари ютуқлари**
Доцент Сохадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган мухандислик-технология институти)

**18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**
Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

**19.Фармацевтика**
Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**20.Ветеринария**
Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**21.Кимё фанлари ютуқлари**
Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)

**22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар**
Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

**23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари**
Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар**
Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**25.География**
Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

***Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.***

**© Муаллифлар жамоаси**
**© Tadqiqot.uz**

**PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

## ТАРИХ САҲИФАЛАРИДАГИ ИЗЛАНИШЛАР

**1. Ситорабону Бобожонова**
МАЪРИФАТЛИ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДА МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ЎРНИ ..... 7
**2. Усманова Надира Рустамовна**
ИССЛЕДОВАНИЕ КУЛЬТУРНЫХ НАСЛЕДИЙ УЗБЕКИСТАНА, ХРАНЯЩИХСЯ ЗА РУБЕЖОМ ..... 9
**3. Hamroyeva Zuhra Husniddin qizi**
MANG‘ITLAR DAVRIDA BUXORO AMIRLIGI. ..... 11
**4. Musurmonov Muhammad Xurramovich**
XIVA XONLIGINING SIYOSIY TARIXI VA UNING MADANIY HAYOTGA TA’SIRI. ..... 12

# ТАРИХ САҲИФАЛАРИДАГИ ИЗЛАНИШЛАР

## МАЪРИФАТЛИ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДА МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ЎРНИ

***Ситорабону Бобожонова,***
***Бухоро шаҳридаги 40-ўрта умумтаълим***
***мактабининг тарих фани ўқитувчиси***
***+99891 400 07 82***
***shava.and.world@mail.ru***

**Аннотация:** Мақолада маданий мерос объектларга бой мамлакатимизнинг қадимий шаҳарлари, тарихий ёдгорликларини сақланиш ҳолати, бугуни ва келажаги масалалари таҳлил этилади.

**Калит сўзлар:** Маданий мерос объекти, маданий мерос департаменти, маданий мерос жамғармаси, экспертиза, давлат каталоги, “Ўзбекистон тарихи” канали.

Тарих – миллатларнинг ўтмишини, тараққиётини ва таназзулининг сабабларини ўрганадурғон илмдур, деб таъкидлаган эди улуғ маърифатпарвар аждодимиз Абдурауф Фитрат. Дарҳақиқат, инсоният ўз тарихи ва ўтмиш кечмиши билан тирик ва барҳаётдир. Мозийни эслатувчи энг муҳим манба эса бу шубҳасиз, минг йиллик тарихга эга обидалар, нодир ёдгорликлар, қадимий шаҳар, қалъа ва қўрғонлар ҳисобланади. Шунингдек, аждоларимиз ақлу заковати билан бунёд бўлган маҳобатли ва улуғвор ёдгорликлар - миллатимиз куч-қудрати нишонаси, кучли давлатчилигимиз тимсоли ҳамдир. Униб-ўсиб келаётган ёш авлодга ватанварпарлик руҳини сингдиришда, тарихга ҳурмат, ундан ғурурланиш ҳиссини шакллантиришда маданий мерос объектлари муҳим аҳамият касб этади. Энг муҳими, жадаллик билан юксалаётган соҳа –туризм ривожининг асосий омили очиқ осмон остидаги музей шаҳарлар, қўриқхона кентлар томошасидир. Туризм потенциалига эга Ўзбекистонда тарихимизни жаҳонга намоён этиш, дунё сайёҳларини мамлакатимизга жалб этишда қатор нуқсондар мавжуд. Тарихий иншоотларнинг таъмирга муҳтожлиги, қаровсизлиги, унумли фойдаланмаслик, етарли инфратузилма яратилмаганлиги, барқарор тизимнинг мавжуд эмаслиги ва ҳоказо.

Соҳада тўпланиб қолган муаммоларни бартараф этиш, тизимда янгича механизмни жорий этиш, моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, илмий ўрганиш, улардан оқилона фойдаланиш ва юртимизнинг сайёҳлик салоҳиятини оширишда уларнинг ўрни ва аҳамиятини ошириш ҳамда моддий маданий мерос соҳасидаги давлат назоратини тубдан такомиллаштириш мақсадида Президентимиз томонидан 2018 йилнинг 19 декабрида “Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор қабул қилинди.

Қарорда таъкидланганидек, моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш учун масъул органнинг ташкилий-штат тузилмаси соҳада давлат назоратини самарали ташкил этиш имконини бермаяпти. Соҳада фундаментал ва амалий тадқиқотларни ташкил этишда фан ва инновацион технологиялар ютуқларидан самарали фойдаланмаслик натижасида лойиҳалаш, реставрация-тиклаш ишлари моддий маданий мерос объектларининг ноёблигини сақлаб қолишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Биргина Бухоро вилояти мисолида таҳлил қилинганда, мавжуд 660 та маданий мерос объектларидан 441 таси бугунги кунда авария ҳолатига келиб қолган. Катта ҳажмдаги мазкур ёдгорликларнинг ҳаммасини ҳам бирдек муҳофаза қилиш ва эътибор қаратиш қийинчилик туғдириши табиий. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва-

зирлиги ҳузурида янги тузилма маданий мерос департаменти ташкил этилди. Эндиликда департамент соҳада жараёнларни қонунга риоя этилиши устидан назорат, объектларнинг ҳисобини юритиш, ашёларни экспертиза қилиш ва давлат каталогини юритиш каби қатор вазифаларни бажаради.

Илгарилари, моддий маданий мерос объектларининг таъмир ҳолати етарли илмий ўрганилмаган ҳолатда олиб борилган. Энди эса департамент қошида тарих, меъморчилик, моддий маданий мерос соҳасида илмий, амалий тажрибага эга бўлган 11 нафар олим ва юқори малакали мутахассислардан иборат Илмий-эксперт кенгаш фаолият юритади. Президент қарорида таъкидланганидек, моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва асрашга доир ишларни амалга ошириш, моддий маданий мерос объектларини илмий ва илмий-техник тадқиқ қилиш, археология объектларида қазишма ишларини олиб бориш, соҳага хорижий мутахассисларни жалб этиш мақсадида Маданий мерос жамғармаси ҳам ташкил этилади. Ўзбекистоннинг дурдона обидаларини илмий асосларда тарғиб этиш ва аудиовизуал асарларни тайёрлаш бўйича бош ахборот ҳамкори сифатида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Madaniyat va Ma’rifat” телеканали белгиланган ҳам тарихга қизиқиш, уни ҳурмат қилиш, маданият ёдгорликларини асраш маданиятини оширишга хизмат қилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳар бир нутқида мозий қайтиб иш кўриш нақадар хайрли экани, тарих ҳақиқати билан қуролланган миллат эса энг кучли миллат эканлигини уқтириб ўтади. 2018 йилнинг 28 декбарида Олий Мажлисга йўлланган Мурожаатномада ҳам “Ўзбекистон тарихи” каналини ташкил этиш таклифининг берилгани кенг жамоатчилик томонидан, айниқса, илғор зиёлилар, тарихчилар томонидан мамнуният билан қарши олинди. Мазкур янги телеканал 2019 йил 1 сентябрдан ўз фаолиятини бошлади.

Ўзбекистон жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири, юртимиз яратган юксак маданият эса ҳали ҳануз жаҳон афкор оммасининг эътиборини қаратмоқда. Ана шу қизиқиш ва халқаро эътирофни сақлашда тарихнинг тилсиз гувоҳларини бус-бутун сақламоғимиз лозим. Зеро, бу ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлмоғи даркор.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “O‘zbekiston tarixi” телеканалини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. 2019 йил, 11 июль. www.UzA.uz

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил.

# ИССЛЕДОВАНИЕ КУЛЬТУРНЫХ НАСЛЕДИЙ УЗБЕКИСТАНА, ХРАНЯЩИХСЯ ЗА РУБЕЖОМ

***Усманова Надира Рустамовна***
***Ташкентский университет информационных технологии магистрант***
***Телефон:+998(90) 188-09-29***
***nadira.usmanova.2016@mail.ru***

**Аннотация:** Культурное наследие. Центр по исследованию культурных ценностей Узбекистана, находящихся за рубежом при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

**Ключевые слова:** культурное наследие, Постановление Президента Республики Узбекистан, Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан, Министерство культуры Республики Узбекистан.

С года независимости Республики Узбекистана государство начало уделять особое внимание на культурное наследие, особенно хранящихся за рубежом. Если взять историю нашей страны, то можно, увидеть что много материальных и нематериальных богатств было выведено за границе. В ниже остановимся немного о понятии «культурное наследие» и ее категории.

*Культурное наследие* – важная часть жизни каждого народа. По этой причине следует знать, что такое культурное наследие и почему так важно его сохранение. Оно помогает лучше узнать и понять историю становления современного общества. Единого определения, что такое культурное наследие, не существует, так как данный термин рассматривается с разных точек зрения. С точки зрения культурологии это основной способ существования культуры. Объекты наследия сохраняют и передают последующим поколениям ценности, несущие эмоциональный аспект. История рассматривает культурное наследие прежде, всего как источник информации о развитии и становлении современного общества. Юридическая точка зрения не учитывает эмоциональную ценность, но определяет степень информативности и востребованности того или иного объекта, а также его способность влиять на общество. [1]

Культура Узбекистана ярка и самобытна, она формировалась в течение тысячелетий и вобрала в себя традиции, обычаи народов, в разное время населявших территорию современного Узбекистана.

Свой вклад внесли в нее древние персы, греки, кочевые тюркские племена, арабы, китайцы, русские. Традиции многонационального Узбекистана нашли свое отражение в музыке, танцах, живописи, прикладных искусствах, языке, кухне и одежде. Узбекская культура представляет собой квинтэссенцию культур Центральной Азии, но при этом каждый регион Узбекистана имеет свои уникальные оттенки, что ярче всего проявляется в национальной одежде и местных диалектах. [2]

Чтобы познакомиться с этим богатством, необходимо объездить всю страну, однако, желающим увидеть всю палитру культуры Узбекистана в одном месте стоит посетить фестивали Узбекистана, на которые съезжаются творческие коллективы со всех регионов республики. Именно здесь можно увидеть весь колорит узбекских танцев, музыки, прикладного искусства, и т.д.

Постановление Президента Республики Узбекистан “Об учреждении центра исследований культурных ценностей Узбекистана, находящихся за рубежом при Кабинете Министров Республики Узбекистан” [3] включая

Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан “О мерах по организации деятельности Центра исследований культурных ценностей Узбекистана, находящихся за рубежом при Кабинете Министров республики Узбекистан” был создан Центр по исследованию культурных ценностей Узбекистана, находящихся за рубежом при Кабинете Министров Республики Узбекистан. [4]

В основные задачи Центра входят:

- создание списка стран, музеев, научно-исследовательских учреждений, институтов, архивов, библиотек, фондов и частных коллекций, где хранятся культурные ценности Узбекистана;

- создание базы данных – реестра культурных ценностей и ее классификация, в соответствии с требованиями современных информационных технологий и учетом международных стандартов в данной отрасли и их регулярное обновление;

- установление двусторонних культурных связей с музеями, научно исследовательскими институтами, архивами, библиотеками, фондами и частными коллекциями за рубежом;

- организация возвращения в нашу страну оригинала или копии культурных ценностей, фоно-, фото- и видео иллюстраций, находящихся за рубежом, в соответствии с национальным законодательством и международными правовыми соглашениями, а также общепринятыми нормами;

- принятие мер по проведению исследований культурных ценностей, возвращенных в нашу страну, подготовка к публикации, в целях внедрение результатов исследований в научный обиход, различных высоко качественных изданий - библиографических сборников, каталогов, книг-альбомов и других издательских материалов;

- организация и осуществление публикаций соответствующих результатов исследований на различных языках (узбекском, английском, русском и др.), широкое и регулярное освещение результатов научных исследований национальных средствах массовой информации и глобальной сети Интернета.

- внедрение результатов научных исследований культурных ценностей Узбекистана в научный обиход в международном масштабе, в тесной связи с зарубежными средствами массовой информации, организация выставок за рубежом и участие в различных форумах и конференциях.

Центром, по результатам проведенных исследований в данном направлении со дня организации до настоящего времени, определены наименования около *3000* культурных ценностей Узбекистана, хранящихся в более чем *40* странах мира. Все эти сведения были получены из письменных источников, публикаций которые содержат сведения о культурном наследии Узбекистана, а также веб-сайтов музеев, библиотек и других учреждений. [5]

Использованные литературы:

1. Закон Республики Узбекистан об охране и использование объектов культурного наследия http://lex.uz/docs/10375

2. http://monuments.karelia.ru/ob-ekty-kul-turnogo-nasledija/vidy-ob-ektov-kul-turnogo-istoricheskogo-nasledija/

3. Постановление Президента Республики Узбекистан “Об учреждении центра исследований культурных ценностей Узбекистана, находящихся за рубежом при кабинете министров республики Узбекистан” http://lex.uz/docs/10375

4. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан “О мерах по организации деятельности Центра исследований культурных ценностей Узбекистана, находящихся за рубежом при Кабинете Министров республики Узбекистан” http://lex.uz/docs/10375

5. Центр исследований культурных ценностей Узбекистана, находящихся за рубежом, при Кабинете Министров Республики Узбекистан http://uzculture.uz

# MANG‘ITLAR DAVRIDA BUXORO AMIRLIGI.

***Hamroyeva Zuhra Husniddin qizi***
***Navoiy viloyati Navbahor tumani***
***14-umumiy o‘rta ta’lim maktabi***
***tarix fani o‘qituvchisi***
***Telefon raqami: 93 318 17 07***

**Annotatsiya.** Buxoro amirlarining faoliyatini o‘rganish davomida ularning qanday hokimiyat tepasiga kelishi, davlatni boshqarishdagi siyosati, ular olib borgan islohotlar haqida qimmatli ma’lumotlarga ega bo‘lamiz.Buxoroda Mang‘itlar sulolasidan oldin hukmronlik qilgan Ashtarxoniylar sulolasi hamda ularning hukmronligi haqida ko‘plab ma’lumotlar ham mavjud.

**Kalit so‘zlar.** Mang‘itlar, Muzaffar ibn Nasrulloxon, Buxoro, Hisor, Shahrisabz, Darboz, Ko‘lob, Baljuvon, Xudoyorxon, Porso, Zirabuloq, Madalixon.

Muzaffar ibn Nasrulloxon - Mang‘itlar sulolasidan bo‘lgan Buxoro amiri.Otasi Nasrulloxon davrida Karmanaga hokimlik qilgan. Amir Nasrullo vafotidan so‘ng, Buxoro taxtiga o‘tirgan. Otasi tomonidan Karmanaga surgun qilingan kishilarni Buxoroga qaytarib, yuqori lavozimlarga tayinlagan. Markaziy hokimiyatga bo‘ysunishni istamayotgan Hisor, Shahrisabz, Darboz, Ko‘lob, Baljuvon bekliklari va Qo‘qon ustiga yurish qilib, ularning qarshiligini yengdi (1863-1865). Mallaxon tomonidan taxtdan tushirilgan Qo‘qon xoni Xudoyorxon Buxoroga qochib kelganida xonlik taxtini qayta egallashi uchun unga harbiy yordam bergan (1861). Muzaffarning hukmronlik davri Rossiyaning O‘rta Osiyo xomliklariga qarshi harbiy harakatlari kuchaygan davrga to‘g‘ri keladi. Rossiya bilan bo‘lgan kelishmovchiliklarni tinch yo‘l bilan bartaraf etishda umidini uzmay, u Najmiddinxo‘ja boshliq ekchilarni Peterburgga jo‘natdi (1865-yil iyul). Biroq, ko‘zlangan maqasadga erishilmay, ikki o‘rtada harbiy harakatlar boshlandi. Muzaffar qo‘shini bilan general Romanovskiy boshchiligidagi Rossiya harbiy kuchlari o‘rtasidagi dastlabki to‘qnashuv Jizzax bilan Oratepa o‘rtasidagi Erjar(Maydayulg‘un) da bo‘lib, unda Buxoro qo‘shini mag‘lubiyatga uchragan(1866-y. 8-may). Muzaffar muftiy Muhammad Porso boshchiligidagi elchilarni Afg‘oniston va Hindiston orqali yordam so‘rab, Istanbulga yuborsa ham rad javobini olgan. 1868-yil 2-3-iyunda Zirabuloq jangida mag‘lubiyatga uchragach, 1868-yil 23-iyunda Samarqandda imzolangan Rossiya-Buxoro sulh shartnomasiga ko‘ra, Buxoro amirligi Rossiyaga tob` bo‘lib qolgan. O‘g‘li va valiahd Abdulmalik (Katta to‘ra) Rossiya bosqini va otasi hukmronligiga qarshi Shahrisabz va Kitobda qo‘zg‘olon ko‘targanda Muzaffar rus qo‘shinlari yordamida uni bostirgan (1870). Muzaffar davrida Buxoro amirligining Rossiyaga qaramligi kuchayishi bilan bir qatorda shialarning ta‘siri ham ortgan. Buxorodagi Eshon Imlo mozorida dafn etilgan. Amir Nasrulloxon Qo‘qonni bosib olish maqsadida, Madalixondan norozi bo‘lgan kishilarni Buxoroga to‘plab boshladi.1840 yili Nasrulloxon Qo‘qonga elchi yuborib, maktub orqali urf – odatlarga zid ish qilgani uchun Mvadalixonni qoraladi. Bunga javoban Buxoro elchilari qamaldi.Shu bahonada urush harakatlari boshlanib ketdi.Madalixonning 400 sarboziga qarshi 800 kishi bilan hujum boshlagan Nasrulloxon O‘ratepa yaqinidagi Peshagar qal’asida Madalixon qo‘shinlarini yengib orqaga qaytdi.1841 yil qayta hujum boshlab, O‘ratepani, Toshkentni qo‘lga kiritdi. Shu yil kuzda tuzilgan sulhga ko‘ra Qo‘qon xoni Buxoro amirligiga O‘ratepa, Zomin va Toshkentni berdi. Xo‘jand va unga qarashli yerlar Madalixonining ukasi Sulton Maxmudga berilib, u mustaqil xonlik deb e’lon qilindi.Amir Nasrullo va’dalariga uchgan Sulton Maxmud o‘z atrofiga Madalixondan norozi kishilarni to‘plab. Qo‘qon xonligini qo‘lga kiritish uchun astoyidil kirishdi. Amirlikda hokimiyat 1920 yilgacha Mang‘itlar sulolasi qo‘lida bo‘ldi. Muhammad Rahim xukmronligini beklik-viloyatlardagi boshqa qavmlardan bo‘lgan hokimlar tan olmadilar. Amir mang‘itlarga tayanib hokimiyatni markazlashtirishga intildi. Barcha qabilalarning hukmdorlarini Buxoroga yig‘ib, ulardan markaziy hokimiyatga bo‘ysunishni talab qildi, aks holda qattiq jazolanishi haqida ogohlantirdi. Viloyatlardagi ko‘pgina hokimlar, bebosh amaldorlar hokimiyatdan chetlashtirilib, er-mulki tortib olinib boshqa joylarga ko‘chirildi. Ular o‘rniga amir qabiladoshlaridan tayinlandi

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati.

1. Mo‘minova R va boshqalar.O‘zbekiston tarixi.O‘quv qo‘llanma.T.: «O‘qituvchi»1994y
2. O‘zbekiston tarixi.T.: «Yangi asr avlodi»2003y.
3. www.ziyouz.com

# XIVA XONLIGINING SIYOSIY TARIXI VA UNING MADANIY HAYOTGA TA'SIRI.

***Musurmonov Muhammad Xurramovich***
***Surxandaryo viloyati Qiziriq tumani***
***10-umumiy o'rta ta'lim maktabi***
***tarix fani o'qituvchisi***
***Telefon raqami: 91 235 00 62***

**Annotatsiya.** Mustaqillik yillarida xalqimizning asl tarixini yoritish borasidagi tadqiqotlar, shonli va buyuk tariximiz haqida ko'plab ma'lumotlar bera boshladi. Bugungi kun davr talabi tarix fani oldiga ham ulkan va yangi vazifalarni qo'ymoqda. O'rta Osiyo xalqlari tarixini chuqur o'rganishda Xiva xonligi qadimiyatini tadqiq etish ham katta ahamiyatga ega.

**Kalit so'zlar.** Shayboniyxon, qo'ng'irot, mang'it, nayman, qipchoq, qiyot, Sulton Husayn Boyqaro, Xuroson, Chin So'fi, Arab Muhammadxon, Urganch.

Xorazm hududida jami 20 ga yaqin o'zbek qabilasi istiqomat qilar edi. Ular orasida qo'ng'irot, mang'it, nayman, qipchoq va qiyot qabilalari ko'p sonli va eng kuchli qabilalar bo'lgan. Shayboniyxon bosqini arafasida Xorazm temuriy Sulton Husayn Boyqaro boshliq Xuroson davlati tasarrufida edi. Xorazmda qo'ng'irot qabilasidan chiqqan Chin So'fi hokim edi. U rasman Husayn Boyqaro noyibi hisoblanardi. 1505- yili Shayboniyxon, 1510- yilda esa Eron hukmdori shoh Ismoil Xorazmni bosib oldilar. Biroq shoh Ismoilning hukmronligi uzoqqa bormadi. Vazir shahri qozisi Umar qozi yetakchiligida safaviylar hukmronligiga qarshi harakat boshlanadi. Xorazmning mo'tabar zotlari mamlakat taxtiga Shaybon avlodlaridan Berka Sultonning o'g'li Elbarsxonni o'tqazishga qaror qildilar. U bu davrda Dashti Qipchoqda edi. Berka Sultonning xonadoni Shayboniyxon xonadoni bilan garchand bir shajaradan bo'lsa-da, ular o'zaro dushmanlik munosabatida edilar. 1480- yilda o'zaro toj-u taxt uchun kurashda Muhammad Shayboniyxon tomonidan o'z bobokaloni Shaybonxon avlodiga mansub Berka Sultonning o'ldirilganligi buning sabablaridan bin edi . Xorazmning erksevar xalqi Elbarsxon yetakchiligida 1511—1512 yillarda Eron qo'shinlarini mamlakatdan butunlay quvib chiqarishga muvaffaq bo'ldi. Shu tariqa 1511-yilda Xorazm mustaqilligi tiklandi va bu davlat endi Xiva xonligi deb atala boshlandi. Bu davlat asoschisi ham shayboniylar vakillari bo'ldi. Xiva xonligida shayboniylar hukmronligi 1770- yilgacha davom etdi. XVII asr Xiva xonligining siyosiy hayotida o'ziga xos ikki xususiyat - bu, bir tomondan, markaziy hukmron sulola nufuzining pasayishi bo'lsa, ikkinchi tomondan, qabila boshliqlari ta'sirining kuchayishi bo'ldi. Qabila boshliqlari: beklar, biylarning kuch-qudrati shu darajaga borib yetgan ediki, ular oliy hukmdorga o'z xohish-istaklarini o'tkaza olganlar. Xon davlat hayotiga oid har bir masalani ularsiz mustaqil hal eta olmas edi. Aksincha, aynan shu qabila boshliqlari xon taqdirini hal etardilar. Binobarin, Xiva xonligida davlat parokandaligi yuz berdi. Parokandalik Arab Muhammadxon davri (1602 - 1621) da yuqori nuqtasiga yetgan edi. Amudaryo o'zanining o'zgarishi bu davrda ham davom etdi. Natijada, Arab Muhammadxon xonlik poytaxtini Urganchdan Xivaga ko'chirishga majbur bo'ldi. Yuz bergan iqtisodiy tanglik davlatning siyosiy ahvoliga juda katta salbiy ta'sir ko'rsatdi. Bundan tashqi kuchlar foydalanib qolishga urindi. Chunonchi, Arab Muhammad davrida Rossiya chegarasini qo'riqlab turgan Yoyiq kazaklari ataman Nechay, ko'p o'tmay ataman Shamay Urganchga hujum qildilar. Biroq, ular talonchilikdan iborat maqsadlarini amalga oshira olmadilar. Aksincha Xiva qo'shini ularni tor-mor etdi . 1616-yili Atab Muhammadxonning o'g'illari Habash Sulton bilan Elbars Sulton nayman va uyg'ur qabilalarining boshliqlariga tayanib, otalariga qarshi isyon ko'tardilar. Ota farzandlariga yon bosdi. Ular boshqaruviga topshirilgan hududlarga Vazir shahrini ham qo'shib berdi. Biroq bu bilan nizo tugamadi. 1621- yili ular yana isyon ko'tarishdi. Bu safar otalari Arab Muhammadxon tarafida uning boshqa ikki o'g'li - Asfandiyorxon va Abulg'ozi Sulton urushda qatnashdilar. Bu urushda Habash Sulton va Elbars Sulton qo'shinlari g'olib keldi. Noqobil farzandlarning amri bilan asir olingan otaning ko'ziga mil torttirildi va Xivaga keltirib qamab qo'yildi. Oradan ko'p vaqt o'tmay, xon qatl etildi. Abulg'ozi Sulton Buxoro xoni Imomqulixon saroyida panoh topdi. Asfandiyorxon esa Hazoraspda yashirindi. Keyinchalik u Eron shohi Abbos I huzuriga yo'l oldi va uning yordamida 1623- yilda Xiva taxtini egalladi va Habash hamda Elbars qatl etildi. Bui voqeadan xabar topgan Abulg'ozi Sulton Xivagaqaytdi. Akasi Asfandiyorxon (1623-1643) uni

Urganch hokimi etib tayinladi. Biroq tez orada aka-uka o‘rtasidagi munosabatlar buzildi. Natijada, Abulg‘ozi Sulton Turkiston, Toshkent, Buxoroda qochib yurishga majbur bo‘ldi. Asfandiyorxon siyosatidan norozi bo‘lgan turkmanlarning chaqirig‘i bilan u yana Xivaga qaytib bordi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati.

1. Abulg‘ozi Bahodirxon. Shajarayi tarokima. – Toshkent: Cho‘lpon, 1995.
2. Matyakubova M. Xiva xonligi tarixi manbalari (Muhammadrizo Ogahiyning tarixiy asarlarini kodikologik xususiyatlari). Urganch, 2006.
3. www.ziyouz.com

# "ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР" МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 21-КЎП ТАРМОҚЛИ ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

## (3-қисм)

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович
**Мусаҳҳиҳ:** Файзиев Фаррух Фармонович
**Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.10.2020

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000